Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 154 (3636).

6 АВГУСТ ЯКШАНБА 1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

БУГУН — БУТУНИТТИФОҚ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

Байрам шодиёнаси гулгун чеҳраларда намоён. Тошкент тепловоз депосининг уч пешқадам машинисти — Шокир Раҳимжонов (чапда), Борис Ворсин ва Абдуҳаким Хўжаевлар севинчининг чеки йўқ. Қувонмай бўладими ахир! Улар Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни байрамига муносиб армуғон билан келдилар: кўпдан-кўп ёқилғи тежаб қолдилар, оғир юкли поездларни график бўйича аъло даражада бошқардилар. Йўлингиз бехатар бўлаверсин, толмас машинистлар!

И. Глауберзон фотоси.

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ҚОН-ТОМИРИ

Бугун бепоён мамлакатимиз бўйлаб яна бир айём шодиёнаси баралла янграйди. Коммунизм муҳташам биносини зўр саботматонат, катта одимлар билан яратаётган совет халқи Бутуниттифоқ Темирйўлчилар кунини зўр тантана билан нишонлайди, ўз safiga уч миллион кишини бирлаштирган пўлат йўллар меҳнаткашларини катта эҳтиром, ҳурмат-иззат билан шарафлайди. Чунки бу олижаноб касб эгаларининг жонажон диёримиз халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари жуда ҳам салмоқлидир. Ҳар йили пўлат магистралларида икки ярим миллиард тоннадан ортиқ турли юклар белгиланган манзилларга етказиб берилмоқда. Унинг хизматидан икки ярим миллиард йўловчи баҳраманд бўлиб, узоғи яқин, оғири енгил, юмушн осонлашмоқда.

Бу йил темирйўлчилар куни 35-марта тантана қилинмоқда. Шунинг ўзи бу касб эгаларининг меҳнати мамлакатимизда нақадар ардоқланаётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати транспортнинг бу етакчи тармоғини тез суръатлар билан ривожлантириш, локомотив, вагонлар паркини кенгайтириш ва такомиллаштириш, темирйўлчилар меҳнатини енгиллаштириш, турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлигини ошириш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар. Халқ хўжалигининг бу муҳим соҳаси янги замонавий, фан-техниканинг сўнгги ютуқлари асосида яратилган асбоб-ускуналар, қудратли тепловоз-электровозлар, тежамли ва қулай вагонлар, техника воситалари билан таъминланмоқда. Экономикамиз барча тармоқларини янги юксакликларга кўтариш, КПСС XXIII съездининг тарихий қарорлари ва янги беш йиллик план Директиваларини бекамм-кўст амалга ошириш, уларда белгиланган улкан, айни вақтда шарафли вазифаларни ўз вақтида бажариш кўп жиҳатдан темирйўлчилар меҳнати, уқуви, куч-ғайрати ва ҳимматига боғлиқ.

Улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин пўлат магистралларининг моҳияти ҳақида гапириб, уни мамлакат экономикасининг қон томири деб атаган эди. Нақадар тўғри, образли таъриф бу! Ҳа, шу қон томири қанчалик пухта ва аниқ, бир меёрда ишласа, шунчалик яхши, халқ хўжалиги шу қадар тез тараққий этади. «Темир йўл — бу энг муҳим нарсадир, — деган эди яна халқлар доҳийси, — шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги саноат билан деҳқончилик ўртасидаги энг ёрқин алоқанинг, яъни социализм бутунича асослаган алоқанинг кўринишларидан биридир».

Темирйўлчиларимиз барча касбдошлари қатори зиммаларига юклатилган масъулиятли ва шарафли вазифаларни муваффақиятли бажариш, халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга ўз вақтида етказиб бериш, меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатишни тобора яхшилашга астойдил интилмоқдалар. Айниқса, Совет ҳокимиятининг ярим асрлик тўйи арафасида ҳар қачонгидан ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Барча станцияларда, разъездларда, корхоналарда юбилей йилининг ажойиб ниҳоналарининг гувоҳи бўлиш мумкин. Машинистлар ва диспетчерлар, слесарлар ва алоқачилар, навбатчилар ва ремонтчилар, проводниклар ва йўл назоратчилари — қўйнингки, барча темирйўлчилар шу кунларда баланд руҳ билан ишламоқдалар, юбилей шарафига олган мажбуриятларини ортиғи билан адо этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Тошкент темир йўл бўлинмаси коллективи бу йил эл-юрт олдида берилган ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун социалистик мусобақани кундан-кунга авж олдирмоқда. Бўлинма транспортчилари бугунги байрамга ҳам катта-катта тортиқлар билан келишди. Юк ортиш ва ташиш етти ойлик топшириғи ортиғи билан адо этилди. Улар Тошкентни қайта тиклаш учун зарур бўлган турли-туман бинокорлик материалларини ташиб беришда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Юкларни зичлаб ортиш туфайли минглаб вагонларни тежаб қолдилар. Айниқса, Тошкент тепловоз депоси коллективининг меҳнат зафарлари тақдирга лойиқ. Машинистлар шу йилнинг етти ойлик давлат планини 110 процент бажардилар, 3,5 мингдан ортиқ оғир юкли поездларни бошқариб, уларда қўшимча бир миллион олти юз минг тоннадан ортиқ юк ташидилар. Тепловозларнинг участкалар орасидаги ҳаракат тезлиги уч процент ортди. Шу давр ичида 600 тоннадан ортиқ ёқилғи тежаб қолинди.

Транспортчилар пассажирларга темир йўл хизмати кўрсатишни тобора яхшилмоқдалар. Пассажир поездлари маршрути кўпаймоқда. Шу йилнинг ўзида ўнга яқин янги линиялар очилди. Эндиликда поездлар Волга бўйи, Урал ва Сибирдаги қатор шаҳарларга қатнамоқда. Уларнинг тезлиги оширилмоқда. Барча қулайликлари бўлган комфортабель, ичидаги ҳавоси доим бир хил сақланадиган вагонлар, қудратли «Стрела» тепловозлари йўловчилар хизматида. Шаҳар атрофига қатновчи дизель поездлар тобора кўпаймоқда. Турист-экспедиция ва фирма поездлари меҳнаткашларга манзур бўляпти. Темирйўлчилар вагонларда қилинадиган сафар кўнгилли ва толиқтирмайдиган бўлишига эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Бу шарафли касб эгалари ўртасида ўзининг халол ва самарали, унумли ва баракали меҳнати билан донг таратаётган кишилар жуда кўп. Бугунги байрамда ҳамма уларнинг номини ҳурмат билан тилга олади. Оғир юкли поездларни моҳирлик билан бошқариб, қолмай, кўплаб ёнилғи тежаётган тепловоз машинистларидан А. Маракаев, М. Расулов, Ю. Тўлаганов, В. Ефимов, диспетчерлардан А. Юсупов, Й. Олчиев, И. Котов, ўнлаб слесарлар, проводниклар шулар жумласидандир. Бу азаматлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақанинг олдинги сафида боришяпти, меҳнатда касбдошларига ўрнак бўлишяпти.

Аммо, ҳали областимиз темирйўлчилари фаолиятида талайгина камчиликлар ҳам бор. Айрим станция ва разъездлар коллективлари кўнгилдагидек ишлашмаяпти, оқибатда жуда ҳам таққислик сезилаётган юк вагонлари кўплаб бекор туриб қолади, транспорт хизматидан фойдаланаётган ташкилотларга нисбатан катъий талабчаклик қилинмаслиги оқибатида юк ўз вақтида тушириб олинмайди. Қатор участкаларда поездларнинг ҳаракат тезлиги белгиланганидан кам бўлмоқда. Поездларнинг кечикишига, ёнилгининг ортиқча сарфланишига йўл қўяётган машинистлар ҳам йўқ эмас.

Транспортнинг аниқ ва яхши ишлашига, халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилларга вақтида етказиш ва пассажирларга хизмат кўрсатишни тинмай яхшилашга эришиш ҳар бир темирйўлчининг муқаддас бурчидир.

Азиз темирйўлчилар, бугунги байрамингиз билан қизғин ва чин кўнгилдан табриклаб, олижаноб меҳнатингизда сизларга янги зафарлар тилаймиз.

ОДАМЛАР УЧРАШГАН ЖОЙДА

Вокзалда висол ва кузатиш ёнма-ён юради... Ана, кенг перронда ҳаёт қайнамоқда. Бу ерда онасини дам олишга жўнатаётган қизни ҳам, отасини узоқ сафардан кутиб олаётган ўғилнинг қувончини, онласини соғинган қардош бинокору, Тошкент жамолини илк бор кўраётган ўспиринининг ҳаяжонини ҳам кўрасиз. Биринчи рельсда ҳозиргина Москвадан келган поезд оғир ҳансираб тўхтади. Ленинободга жўнайдиган поезд эса қўзғалди. Рельслар дириллаб, у оҳиста юриб кетди.

Бу манзарани кузатиб турган вокзал бошлиғи Эркин Маҳмудов бизни илиқ қарши олди.

— Кўриб турибсизки— деди у суҳбат давомида,—вокзалимиз қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Аввалги торгина бино ўрнида кўпқаватли ойнаванд бино қад кўтариб турибди. Пассажирлар учун ҳамма қулайликлар муҳайё этилган. Марҳамат, бино ичкарисига кирайлик.

Ойнаванд эшиклар тинимсиз очилиб-ёпилмоқда. Ўнг томондаги деразадан мулойим кулимсираб турган аёлга бир мўйсафид мурожаат қилмоқда:

— Яхши қизим, мен билетни 5-числога олиб қўйгандим. Зарур иш чиқиб қолди, самолётда кетмоқчиман.

— Ҳозир, отахон. аэропорт билан ганлашайлик-чи. —«Илтимослар бюроси»нинг ходими Н. Волкова ҳамкасби М. Казиевага кўнғирок қилишни топширди. Чолга самолётдан жой тўғрилаб берди.

Кассадан шошиб чиққан кишига салом бердик.

— Кечирасиз, шу ерда ишлайсизми?

— Ҳа, аслида бугун бўшман, дам олсам ҳам бўларди, —деди у тортиниб. Қизиқиб қолдик. Маълум бўлишича, кассир Г. Бантиков асосий иш вақтидан бошқа пайтларда ҳам кўпгина пассажирларнинг ўйларига билет элтиб бераркан.

— Бу пассажирларга янгича метод билан хизмат қилиш,— деди у табассум қилан. Биз ташаккуримизни изҳор этдик. Бинода дам олиш, оналар хоналари пассажирлар хизматида. Вокзал ходимлари одамлар учун нималарга ёрдам керак бўлса, ҳозиру-нозир. Пассажирларнинг юкларини ўраб бериш, багажларни сақлаш, кексалар ва уларнинг юкларини поездга элтиб бериш, туширишга ёрдамлашиш каби ғоятда оддий, аммо инсонга меҳрибонлик туйғулари билан қилинаётган олижаноб ишлар қувонтиради кишини.

Вокзал бошлиғи Эркин Маҳмудовдан тортиб, диспетчер Суннат Нуритдиновгача, кассир Галина Шевченкою, поездда ўринларни тақсимловчи Л. Серебрицкаягача — ҳамма-ҳамма ҳар куни келиб-кетаётган 10 мингдан ортиқ пассажирга чин юракдан хизмат қилишяпти. Ҳар ойда бу ерда 323 минг пассажир узоқ-яқин шаҳарларга қузатилмоқда, 2 минг йўловчининг ўйига билет олиб бориб бериляпти.

Тошкент вокзали... Минглаб одамлар қалбини пайвандлаётган табаррук жой. Айримларга у оқ йўл тилайди бошқаларга иссиқ, қуёшли қучоғини очади. Ҳаёт бу ерда бир лақиқа тинмайди. Бугунги байрамда вокзал коллективига янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳ. ИКРОМОВ.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ. Жданов номли колхозда Ҳабиб Кенжаевнинг комини ҳурмат билан тилга олишади. У 20 йилдан бери сувчилик қилиб келмоқда. Шу вақт ичида ўртоқ Кенжаев жуда кўп ёшларни сувчилик касбига ўргатди. Унинг шогирдларидан Лапас Хўжаназаров, Қозоқбой Маматкаримов, Бердиёр Сафаров кабилар ҳам моҳир сувчилар safidan ўрин олдилар. Улар ўз устозларидан ўрганган ҳолда ғўзани қондириб суғоришмоқда.

Райондаги «Қизил Октябрь», Охунбобоев номли, Карл Маркс номли колхозларда ҳам ана шундай сувчиларнинг ғайрат кўрсатишлари туфайли ғўзалар саратон сувига қондирилмоқда.

Қ. МУСАМУРОДОВ,
Х. СУЛАЙМОНОВ,
Т. ТУҚЛИБОЕВ.

БЕКОБОД. Дзержинский номли колхозда ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги қизғин давом этмоқда. Колхозчилар 20 августга қадар / ғўза қатор ораларига яна бир ярим марта қўшимча ишлов бериш учун курашмоқдалар. «Шарбат суви» оқизиш кенг йўлга қўйилган. Колхознинг Файзулла Нарзуллаев бошлиқ участкасида ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил тўплаш учун қизғин кураш олиб борилмоқда.

М. МЕЛИБОЕВ.

ЯНГИЙЎЛ районидаги Калинин номли колхозда ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги қизғин давом эттирилмоқда. Айниқса бу иш Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Умарали Муҳамедов бошлиқ участкада намунали йўлга қўйилган. Пахтакорлар ғўзани қондириб суғориш ва культивация қилишни сифатли ўтказмоқдалар. Ғўза тупларида кўсак кўп. Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари Маҳмуджон Аҳмаджонов ва Умарали Муҳамедов (ўнгда) ўртоқлар ғўза культивациясининг сифатини текширишмоқда.

Қ. Розиков фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТОНГНИ ҚАРШИЛАБ...

Поёнсиз пахтазорда тонгни қарши олган бир киши юрибди. У тоҳ қўлини пешанасига қўйиб, узоқ-узоқларга нигоҳ ташлайди, тоҳ энгашиб ғўза туплaридаги ҳосилни чамалаб кўради. Шағил-шағил кўсаклардан марҳон таққан ғўзалар гўё у билан сўзлашаётгандай сезилар-сезилмас тебраниб қўяди. Қуёшнинг зарран нурларидан баҳра олаётган кенг пахтазор ҳар дақиқада янгидан яшнаётгандай бўлиб туюларди шу тобда унга.

Анорбой карта чеккасидаги ариқчадан сакраб ўтиб, кечагина озиқлантириб, суғорилган пайкал оралаб кетди. Бу ерда ҳам ғўзалар шоҳида кўсак шиғил. Зумрад япроқлар орасидан мўралаётган ҳосил ниҳоналари ўзини кўз-кўз қилади. «Чакки эмас, — деб ҳаёлидан ўтказди у, — ҳадемай бу кўсаклар чаман-чаман бўлиб очилиб берса борми... 35 центнер дедикми, шундан кам бўлмайди».

Анорбой ҳар куни тонгда пайкал кезади. Меҳнат мевасини тўйиб-тўйиб кўрмагунча ҳумордан чиқмайди. Шундан кейин «пўлат от»нга қамчи босиб, ишга киришиб кетади. Бугун ҳам шундай қилди. Унинг трактори пайкал оралаб кета бошлаганда моторнинг гуриллаган овози тонг сукунатини бузиб юборди.

Анорбой механизаторликка меҳр қўйганига ўн йилдан ошди. Шу давр ичида у деҳқончиликнинг қувончини ҳам, ташвишини ҳам тотиб кўрди. Устозлардан ўрганиб, ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишди. Илгарилари тракторчи ўз йўлига, колхозчилар ўз йўлларига ишлашарди. Ҳар ким берилган нормасини бажаришгагина ошиқарди. Ҳосил қанақа бўлади, унинг таннархи қанчага тушади, сарф-харажатлар камми, ё кўпайиб кетаяптими, машина билан нега кам пахта теряпти? Бу билан уларнинг ишчилик иши бўлмасди. Анорбой шулар ҳақида ўйларкан, бу йўлдан узоққа бориб бўлмаслигини сезарди. Ниҳоят, бу хилдаги эгасизлик ва бошқа шунга ўхшаш иллатларга қатъий барҳам берувчи иш усули ўйлаб топилди. Бу — звено системаси эди.

Кўплар қатори Анорбойлар ҳам ана шу системага ўтиб ишлай бошлашди. Энди Анорбой даланинг ҳақиқий хўжайини бўлиб қолди. Уни звенога бошлиқ қилиб қўйишди. Дастлабки биринчи йил ўтиши билинок звенодаги ишлар юришгандан юришиб кетаверди. Ҳосилдорлик ошди, таннарх арзонлашди. машина билан ҳар қачонгига мутлақо таққослаб бўлмайдиган даражада кўп пахта теріб олинадиган бўлиб қолди...

Юқори Чирчиқдаги «Ўзбекистон» колхозининг Анорбой Баратов бошлиқ звеноси пахтакорлари юбилей йилида тағин ҳам каттароқ марраларни кўзламоқдалар. Уларнинг аҳди ҳосилдорликни кам деганда 35 центнерга етказишдан иборат. Эрта баҳордан буён қўй қилиб келинаётган фидокорона меҳнат ҳозирги пайтда звено деҳқонларига катта қувонч баҳш этмоқда. Негаки, пайталларда кўчат, кўчатларда кўсак кўп. Бу шиғил-шиғил кўсаклар улар мўлжаллаётган юксак мажбуриятни тўла қоплай олади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Н. ТЎРАЕВ.

Олтин медаль—Ўзбекистонга

СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг павильонлари ва хиёбонлари ўзбек нақшлари билан безатилган. Ўзбек маданияти ва санъати ҳафтаси ўтказилаётган шу кунларда минг-минглаб москваликлар ва пойтахт меҳмонлари республика меҳнаткашларининг ишлари тўғрисидаги янги экспозициялар билан танишдилар. Ўзбекистоннинг санъат арбоблари, олимлари, ишлаб чиқариш новаторлари билан учрашдилар.

4 августда виставкада Ўзбекистоннинг миллий байрами ўтказилди. Виставканинг бутун бепоён территориясида Амударё ва Сирдарё бўйларида тўқилган қўшиқлар янгради. Республика маданияти ва санъатининг пойтахтдаги юбилей кўригига келган санъат ва маданият аҳиллари москваликлар жуда самимият билан кутиб олдилар.

Байрам қатнашчилари фақат артистларнигина қутлаб қолмадилар. «Халқ маорифи» павильонида Москва мактабларининг директорлари ва ўқитувчилари ўзларининг ўзбекистонлик ҳамкасблари — Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Урганчдан келган муаллимлар билан суҳбатлашдилар. Улар республикада халқ маорифининг ривожланиши, республикадаги энг яхши педагоглар коллективларининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон ССР маориф министри А. М. Қўчқоровнинг ҳикоясини қизиқиб тингладилар.

СССР Маориф министрининг ўринбосари Ф. Г. Паначин, СССР педагогика Фанлари академиясининг вакиллари, пойтахтдаги мактабларнинг раҳбарлари Ўзбекистон педагоглари кўп сонли отрядининг намояндаларига ўзларининг эзгу истакларини изҳор қилдилар. Улар совет муаллимларнинг мустаҳкам дўстлиги тўғрисида, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш тажрибасини амалий айирбошлашнинг самарали эканлиги тўғрисида гапиришди.

РСФСР да хизмат кўрсатган ўқитувчи Е. Г. Колосова, ўзи раҳбарлик қилаётган мактаб интернат Тошкентдаги зилзилалдан кейин пойтахтга юборилган тўрт юз болани ўз бағрида меҳр-муҳаббат билан ўстираётганлигини ҳикоя қилиб берганида ҳамма уни узоқ қарсаклар билан олқишлади.

Екатерина Гаврилова ўзининг ҳамкасб ўртоқларига мурожаат қилиб, бундай деди:

— Сизлар билан биз битта муштарак ишни қиляпмиз — коммунистик жамиятнинг актив қурувчиларини тайёрламоқдамиз. Қардошларча ўзаро ёрдамлашиш — турмушимизнинг қонуни. Шунинг учун ҳам биз, сизларга ўзбекча қилиб: «Хуш келибсиз!» деймиз. Бу ерга тез-тез келиб турингглар, ҳамиша бизнинг севимли меҳмонимиз бўлинглар.

Тошкентнинг Октябрь районидаги мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг хаваскор ашула ва ракс ансамбли чиройли концерт бериб, Москва пионерларини хурсанд қилди.

Бугун виставка ўзбек саҳнасининг энг яхши усталарини кўрди. Республикамиз ўз санъатининг бутун гулини уларга намойиш қилди. Ўзбекистон шу кун ўз мухлисларига фақат республикамизнинг мусаффо осмонинигина тақдим қила олмади. Кечга яқин момақалдироклар хулди кафнайлар билан мусобака ўйнагандек, гулдирай бошлади, сўнгра ёмғир ёғди. Лекин санъат байрами давом этаверди. Энди санъаткорлар очиқ ҳаводаги эстрададан ёпик бинолар саҳнасига ўтиб, концертни давом эттиравердилар.

Кечқурун виставкадаги маданият уйи москваликлар билан лиқ тўлди. Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг эсдалик олтин медали Ўзбекистон делегациясига тантанали равишда топширилди. Маданият ва санъатни ривожлантиришдаги муваффақиятлар учун республикага берилган бу мукофотни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов қабул қилиб олди.

Виставка директорининг ўринбосари Ю. А. Мизюров медални топшира туриб, бундай деди:

— Биз сизларнинг муваффақиятларингиз билан фахрланамиз ва сизларга, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига коммунистик қурилишда чин юракдан янгидан-янги ғалабалар тилаймиз.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов делегация номидан гапириб, москваликларга ўзларининг дўстона ҳиссларини билдирганликлари, қардошларча меҳмондўстлик кўрсатганликлари учун самимий ташаккур изҳор қилди. У виставка раҳбарларига республика халқ рассоми Н. Г. Караханднинг «Ўзбекистон тоғлари манзараси» деган расмини эсдалик совға қилиб, тортиқ қилди.

Ўзбекистон санъат усталари виставкага келган кишиларга катта байрам концерти қўйиб беришди. Концертда «Баҳор» халқ ракс ансамбли, Ўзбекистон ССР А. Навоий номидаги опера ва балет Катта академик театрининг солистлари, эстрада артистлари қатнашди.

Г. ЛИПШИЦ,
(ЎзТАГ махсус мухбири).

КОММУНИЗМНИНГ ПЎЛАТ ИЗЛАРИДА

КАРВОНДАН ТЕПЛОВОЗГА

Транспорт ва унинг етакчи тармоғи бўлган темир йўлнинг ҳам халқ хўжалигида жуда ҳам катта роль ўйнашлиги ҳаммага аён. Темир йўл бошқа транспорт воситаларига қарагандa бир қанча афзалликларга эга. Пўлат изларда юк ва пассажир ташиш таннархи анча арзон. У йил бўйи ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам тўхтовсиз ишлай олади. Шунинг учун ҳам халқимиз темир йўл транспортини мамлакатимиз экономикасининг қон томири дейди.

Республика, шу жумладан областимиз темир йўл транспорти ҳозирги тараққиёт даражасига эришгунча узоқ тарихий даврни бошдан кечирди. Ўтган асрнинг 85-йилларига қадар Ўзбекистон территорияси у ёқда турсин, ҳатто бутун Ўрта Осиёда ҳам бирор километр темир йўл йўқ эди. Тошкент билан Оренбург ўртасидаги масофа тезюрар почта араваларида 11—12 кун ичида босиб ўтиларди. Туркистон билан Россия ўртасидаги алоқа боғловчи йўллар асосан қумли чўллардан ўтганлиги сабабли юклар туялар карвонларида ташиларди. Бу карвонлар Туркистон билан Оренбург ўртасидаги масофани 45—55 кун ичида босиб ўтарди.

Ўрта Осиёни Россия билан пўлат излар воситасида бирлаштириш масаласи биринчи маротаба 1874 йилда кўрилган бўлиб, унда махсус комиссия Оренбург—Тошкент темир йўлини қуришни таклиф қилди. Лекин бу лойиҳа ўрнига Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Закаспий темир йўли қурилиб, 1899 йилда эксплуатацияга топширилди. Бу магистраль воситасида Красноводск—Тошкент билан уланди. 1900 йилнинг кузида илгари мўлжалланган Оренбург—Кинель темир йўли қурилиши бошланди. Бу магистраль 1906 йилнинг январида фойдаланишга топширилди. Октябрь революциясига қадар Ўрта Осиё темир йўли локомотив парки кам қувват «О» ва «Ц» серияли паровозлардан, вагон парки эса икки ўқли, ёғоч кузовли, 15—16 тонна юк ортиш мумкин бўлган вагонлардан иборат эди.

Октябрь революциясидан кейинги 50 йил ичида Ўрта Осиё темир йўли қолоқ хўжаликдан, халқ хўжалигининг замонавий техника билан жиҳозланган етакчи тармоқларидан бирига айланди. 1931 йилда қуриб битказилган Туркистон—Сибирь темир йўли республика ҳаётида муҳим роль ўйнади. Бу магистраль Ўрта Осиёни Сибирь билан боғлаб, саноат ва қишлоқ хўжалигининг кескин ривожланишига, юк ташиш харажатларининг камайишига олиб келди. Беш йилликлар даврида қурилган Тошкент—Бараж, Тошкент—Оҳангарон темир йўл шохобчалари пойтахт областида оғир ва химия саноатининг кенг ривожланишига ёрдам берди. Улуғ Ватан урушидан илгари Ўрта Осиё темир йўл транспортининг техника базаси кескин яхшиланди. Паровоз ҳамда вагон парклари янгиланди. Икки ўқли кичик вагонлар ўрнига 60 тонна ва ундан ортиқ юк ортиладиган катта ярим вагонлар, платформалар, суюқликлар ташиш учун цистерналар ва тез бузилувчи юклар учун изотермик вагонлар эксплуатация қилина бошланди.

Яқин йилларгача Тошкент бўлинмасида тортиш кучи сифатида асосан паровозлардан фойдаланилар эди. Уларнинг қуввати 2700 от кучидан ошмас эди. Бундай локомотивларнинг фойдали иш коэффициенти жуда кам — 4—5 процент бўлиб, бунинг устига ёқилғи кўп ишлатиларди.

Тошкент темир йўл бўлинмасида тепловозларга ўтиш натижасида поездларнинг оғирлиги, тезлиги ортди. Натижада темир йўлнинг юк ўтказиш қобилияти 2—2,5 марта кўпайди. ФД серияли паровозни аввалига тўрт минг от кучига эга ТЭ-3, кейинчалик олти минг от кучига эга 2ТЭ10 серияли тепловоз билан алмаштириш натижасида поезднинг оғирлиги икки марта ва тезлиги эса қийин профилли участкада соатига 22 километрдан то 43 километргача ошди. Магистралда эксплуатация қилиб турилган тепловозларнинг фойдали иш коэффициенти юқори бўлиб, 16—19 процентни ташкил қилади. Тепловоз паровозга нисбатан ёқилғини жуда ҳам кам сарф қилади. Тепловозларнинг яна бир афзаллиги шундаки, бу локомотивлар узоқ вақт экипировка (ёқилғи, сув ва бошқа материаллар олиш) учун тўхтамасдан ишлай олади. Тепловоз бир олган ёқилғи запаси билан 500 километр масофани тўхтамасдан ўта олади. Ремонт ишлари ҳажми паровозникига нисбатан 15—20 процент оз. Шу сабабли Тошкент бўлинмасида локомотивларнинг фойдасиз бекор туриб қолиши ҳам камайди. Локомотив бригадаларнинг ишлаш шароити яхшиланди: юкларни ташиш таннархи паровозникига нисбатан 57 процент арзонлашди. Ҳозирги кунда магистралнинг Тошкент бўлинмасида юк ташиш ишларида тепловозлардан фойдаланиш 100 процентни ташкил қиладн.

Янги катта ортиш кучига эга бўлган локомотивларга ўтиш йўл хўжалигини ҳам такомиллаштиришни тақозо этди. Рельсларнинг хизмат муддатини ошириш учун уларнинг чоқларн камайтирилди. Ҳозиргача магистралнинг юзларча километр узунликдаги участкасида 12,5 метр узунликдаги рельслар ўрнига 25 ва 800 метрлик чоксиз рельслар ётқизилди. Ёғоч шпаллар ўрнига темир-бетон шпаллар қўлланилмоқда. Поездлар ҳаракатини тартибга солиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун сигнализация воситалари кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда Ўрта Осиё магистралининг 74 процентн замонавий сигнализация воситалари — автоматик ва ярим автоматик блокировка билан жиҳозланган. Поездлар ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида деярли ҳамма тепловозлар билан радио алоқаси ўрнатилган.

Пассажирлар ташиш бўйича республика областлари ичида Тошкент области биринчи ўринда туради. Ўзбекистонда темир йўллар орқали ташиладиган пассажирларнинг 30 процентн пойтахт областига тўғри келади. Пассажир ташиш, айниқса, Тошкент ва унинг атрофида ривожланган. Айни вақтда йўловчилар бу ердан мамлакатимизнинг ўнлаб шаҳарларига йўл олмоқдалар. Шаҳар атрофи поездларида пассажир ташиш учун дизель-поездлардан фойдаланилмоқда. Дизель-поезд билан ташилувчи пассажирларнинг йўлда юриш вақти тепловоздагига қараганда 20—25 процент қисқадир. Дизель-поездларга ўтиш натижасида пассажирлар Тошкент—Янгийўл оралиғини 20—25 минутда босиб ўтиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳозирги кунда Тошкентдан узоққа ва маҳаллий шаҳарларга қатновчи поездларнинг ҳаммаси бутун қулайликлари бўлган комфортабель вагонлардан ташкил топган. Москва — Тошкент оралиғида қатновчи «Ўзбекистон» фирма поездининг вагонлари эса қўшимча сунъий иқлим яратувчи ускуналар билан жиҳозланган. Бу ускуналар ёзнинг иссиқ кунларида ҳам вагон ичидаги ҳавони мунтазам бир даражада сақлаб, пассажирларнинг йўлда тўладам олишларига имконият туғдиради. Узоқ масофага қатновчи пассажир поездларнинг кўпчилигн юмшоқ ва ярим юмшоқ вагонлардан тузилган.

Ўрта Осиё, шу жумладан Тошкент бўлинмаси темир йўлчилари Совет давлатининг шонли 50 йиллиги байрамини меҳнатда катта зафарлар билан кутиб олишмоқда. Улар юк ортиш олти ойлик планини муддатидан олдин бажардилар. Пўлат изларнинг меҳнаткашлари юбилей йилида ўз олдиларига қўйилган вазифаларн янги техникага на илғор усулларга суянган ҳолда тўла бажаришга ҳаракат қиладилар. Олимлар, инженерлар, ишлаб чиқариш новаторлари яратаётган янгиликларни кенг жорий этиш ва шу йўл билан меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама оширишга эришадилар.

Р. НУРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент темир йўл инженерлари институтининг доценти.

Марнетта Махмурова Бокудан комсомол путёвкаси билан шаҳримизга ёрдамга келган. Ҳозир у темир йўлнинг Салор дистанциясида 12 километр масофага навбатчилик қилмоқда. А. Тўхтахўжаев олган ушбу суратда М. Махмурованинг юк поездини кузатаётган пайти акс этган.

ДОИМО ЙЎЛДА

Тепловозчиларимиз доимо йўлда бўлишади. Коммунизм юкларини белгиланган манзилларга ўз вақтида етказиб бериш, пассажирлар узоғини яқин қилишдек олижаноб мақсад билан туну кун тиним билмайдилар. Уз ихтиёрларига топширилган қудратли локомотивлар — тепловозларнинг моҳирона бошқариш, уларнинг қуватидан тўла фойдаланишга интиладилар. Шу туфайли ҳам меҳнатимиз натижаси анча салмоқли бўлаяпти.

Бугун нишонланаётган байрамимизни дуруст тортиқлар билан кутиб олдик. Ярим йиллик план анча ортиғи билан бажарилди. Шу давр ичида 3418 та оғир юкли поезд бошқарилди. Уларда қўшимча 1 миллион 612 минг тонна юк ташидик. Бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлар ҳам муттасил яхшиланаяпти. Юк ташиш ҳаражатларини 0,1 процент камайтириш ҳисобига минглаб сўм фойда кўрдик. Тепловозларнинг участкалар орасидаги юриш тезлиги 3 процент ортди, унумдорлиги эса 1,7 процент кўпайди.

Тежамкорлик ҳар бир тепловоз машинисти учун муқаддас бурч бўлиб қолди. Донгдор машинист Абдулхай Маракаевнинг ёнилғини тежаб-тергаб сарфлаш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббуси барча касбдошлари томонидан қўллаб-қувватланди. Шу туфайли ҳам 600 тоннага яқин ёнилғи иқтисод қилинди. Бунда ташаббускор машинистимизнинг ҳам каттагина улуши бор. У Улуғ Октябрнинг 50 йиллик шарафига олган шахсий мажбуриятларини шараф билан бажармоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ қўллаб ёнилғи тежади. Пассажир поездларининг график бўйича юришини таъминлаяпти.

Депомиз коллективининг фахри бўлиб қолган машинистлар анчагина бор. Расулов, Тўлаганов, Ефимов, Турсунов, Яковлев, Иванников ўртоқлар ўз касбининг моҳирлари ҳисобланишади. Бу тажрибали тепловозчилар, оғир юкли поездларни муваффақиятли бошқариб, белгиланган манзилга ўз вақтида етказиб келмоқдалар. Уларнинг шахсий варақаларида 3—5 тоннадан ёнилғи тежаганликлари қайд қилинган.

Тепловозчилар қўлга киритилган муваффақиятлар билан чекланиб қолишни ҳеч ҳаёлларига келтирмаётирлар. Улар якда унумли ва сифатли ишлашга астойдил бел боғлаганлар. Бу эса янги-янги меҳнат зафарлари учун гаровдир.

Х. ФАИЗУЛЛАЕВ.
Тошкент тепловоз депосининг бошлиғи.

ДИСПЕТЧЕР

Мёжазгина, хона. Ўртада пулт ва соат. Деворда поездлар ҳаракатининг графиги. Бурчакда «Энг яхши диспетчерга» деб ёзилган қизил вимпел. Стол устида бажарилган график, унга ҳар хил рангдаги қалам билан белгилар қўйилган. Очиқ турган деразадан шамол ҳовлидаги атиргулларнинг муаттар ҳидларини ичкарига таратмоқда...

Тошкент темирйўл бўлимининг диспетчерлик хонаси ана шундай шинамгина. Аҳмаджон аканинг оқарингирф қолган сочларини шабада ҳазиллашгандек оҳиста ўйнамоқда. У бунга парво қилмай диққат билан алланимани қўзадан кечираяпти. Ҳунаб бўлиб белги қўяр ва яна чизиб ташлар эди. «Бу қандай гап-а?—дер эди куюниб,—20 минут бўлди кечикканига. Тайинланган вақтда у ердан чиққанда ҳам поездни аллақачон етказиб келган бўларди. Л. Скудов бундай машинистлардан эмасди-ку?! Ё йўлда бирон ҳодиса бўлдимикан-а, деган ўй қалбига безовталик солди. Ўрнидан туриб, хона ичида юра бошлади.

Шу пайт узоқдан поезд сигнали эшитилди. У станцияга келиб тўхтагач, Л. Скудовни селекторга чақирди. Аҳмаджон ака бировнинг дилига озор беришни азалдан ёқтирмасди. Кечикиш сабабини батафсил аниқлади-да, юмшоқлик билан:

— Ченгелдига қайтишда кечикан вақтингизни қоплаб юбора оласизми? Ишонсам бўладими?— деб сўради.

— Бўлади, уялтирмайман,— деб жавоб берди машинист. Бу воқеа яқинда 23-«Андижон-Москва» поездининг қатнови вақтида содир бўлган эди. Механик ўз сўзининг устидан чиқди. Поезд графикдаги изга тушиб олди. Ченгельди станциясига қатнайдиган 3106-номерли юк ташиш состави билан ҳам шундай ҳодиса юз берган эди. Диспетчер чорасини топди. 3403-номерли йигув поездининг машинисти Т. Абдусамадовни телефонга чақириб, унга Тошкентдан Ченгельдига графикда пульт ва соат. Деворда поездлар ҳаракатининг графиги. Бурчакда «Энг яхши диспетчерга» деб ёзилган қизил вимпел. Стол устида бажарилган график, унга ҳар хил рангдаги қалам билан белгилар қўйилган. Очиқ турган деразадан шамол ҳовлидаги атиргулларнинг муаттар ҳидларини ичкарига таратмоқда...

Тошкент темирйўл бўлимининг диспетчерлик хонаси ана шундай шинамгина. Аҳмаджон аканинг оқарингирф қолган сочларини шабада ҳазиллашгандек оҳиста ўйнамоқда. У бунга парво қилмай диққат билан алланимани қўзадан кечираяпти. Ҳунаб бўлиб белги қўяр ва яна чизиб ташлар эди. «Бу қандай гап-а?—дер эди куюниб,—20 минут бўлди кечикканига. Тайинланган вақтда у ердан чиққанда ҳам поездни аллақачон етказиб келган бўларди. Л. Скудов бундай машинистлардан эмасди-ку?! Ё йўлда бирон ҳодиса бўлдимикан-а, деган ўй қалбига безовталик солди. Ўрнидан туриб, хона ичида юра бошлади.

Шу пайт узоқдан поезд сигнали эшитилди. У станцияга келиб тўхтагач, Л. Скудовни селекторга чақирди. Аҳмаджон ака бировнинг дилига озор беришни азалдан ёқтирмасди. Кечикиш сабабини батафсил аниқлади-да, юмшоқлик билан:

— Ченгелдига қайтишда кечикан вақтингизни қоплаб юбора оласизми? Ишонсам бўладими?— деб сўради.

— Бўлади, уялтирмайман,— деб жавоб берди машинист. Бу воқеа яқинда 23-«Андижон-Москва» поездининг қатнови вақтида содир бўлган эди. Механик ўз сўзининг устидан чиқди. Поезд графикдаги изга тушиб олди. Ченгельди станциясига қатнайдиган 3106-номерли юк ташиш состави билан ҳам шундай ҳодиса юз берган эди. Диспетчер чорасини топди. 3403-номерли йигув поездининг машинисти Т. Абдусамадовни телефонга чақириб, унга Тошкентдан Ченгельдига графикда-

пульт ва соат. Деворда поездлар ҳаракатининг графиги. Бурчакда «Энг яхши диспетчерга» деб ёзилган қизил вимпел. Стол устида бажарилган график, унга ҳар хил рангдаги қалам билан белгилар қўйилган. Очиқ турган деразадан шамол ҳовлидаги атиргулларнинг муаттар ҳидларини ичкарига таратмоқда...

Тошкент темирйўл бўлимининг диспетчерлик хонаси ана шундай шинамгина. Аҳмаджон аканинг оқарингирф қолган сочларини шабада ҳазиллашгандек оҳиста ўйнамоқда. У бунга парво қилмай диққат билан алланимани қўзадан кечираяпти. Ҳунаб бўлиб белги қўяр ва яна чизиб ташлар эди. «Бу қандай гап-а?—дер эди куюниб,—20 минут бўлди кечикканига. Тайинланган вақтда у ердан чиққанда ҳам поездни аллақачон етказиб келган бўларди. Л. Скудов бундай машинистлардан эмасди-ку?! Ё йўлда бирон ҳодиса бўлдимикан-а, деган ўй қалбига безовталик солди. Ўрнидан туриб, хона ичида юра бошлади.

Шу пайт узоқдан поезд сигнали эшитилди. У станцияга келиб тўхтагач, Л. Скудовни селекторга чақирди. Аҳмаджон ака бировнинг дилига озор беришни азалдан ёқтирмасди. Кечикиш сабабини батафсил аниқлади-да, юмшоқлик билан:

— Ченгелдига қайтишда кечикан вақтингизни қоплаб юбора оласизми? Ишонсам бўладими?— деб сўради.

— Бўлади, уялтирмайман,— деб жавоб берди машинист. Бу воқеа яқинда 23-«Андижон-Москва» поездининг қатнови вақтида содир бўлган эди. Механик ўз сўзининг устидан чиқди. Поезд графикдаги изга тушиб олди. Ченгельди станциясига қатнайдиган 3106-номерли юк ташиш состави билан ҳам шундай ҳодиса юз берган эди. Диспетчер чорасини топди. 3403-номерли йигув поездининг машинисти Т. Абдусамадовни телефонга чақириб, унга Тошкентдан Ченгельдига графикда-

пул

ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ 50 ЙИЛ ИЧИДА

Революциядан илгари ҳосилдор ерлар, суғоришда сувдан фойдаланиш ҳуқуқи, деҳқончиликда ишлатиладиган от, ҳўкиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши воситалари асосан қулоқ—бой хўжаликларига тегишли бўлган. Ер ишлашнинг асосий қуроллари омоч, мола ва кетмон бўлган. Ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган деҳқонлар оммаси қулоқ ва бойлар асоратида мардикор ва чоракор бўлиб ишлашга мажбур эдилар.

1925—1928 йилларда қишлоқ хўжалигида социалистик ўзгаришлар қилиш ва феодал-крепостной муносабатларини узил-кесил тугатиш мақсадида областда ер-сув ислоҳоти ўтказилади. Минглаб ерсиз ва кам ерли деҳқонлар ер, от-улов ва қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари олишди.

Тошкент области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ёппасига коллективлаштириш ишини СССРда биринчилар қаторида тугаллайдилар. 1932 йилда деҳқон хўжаликларининг 80 процентдан ортиқроғи колхозга киритилган.

Урушдан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш-техника базаси тубдан ўзгарди. Давлат колхоз ва совхозларга кўп миқдорда хилма-хил техника отказиб берди. Энергетика қувватлари ҳажми қишлоқ хўжалигида фақат 7 йиллик мобайнида икки баробардан зиёд кўпайди. Тракторлар парки (15 от кучига ҳисоблаганда) икки марта ўсди. Ҳозирда трактор, автомобиль, комбайн, пахта териш машинаси, ер қазийдиган ҳар хил техника ва бошқалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий воситалари бўлиб қолди.

Техника билан қуролланишнинг ўсиши, бир неча юзлаб механизатор кадрлар маҳоратининг ошиши қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларидаги асосий ишларни механизациялаш имконини берди. Эндиликда қўл меҳнатини бутунлай қисиб чиқариш дала меҳнаткашларн ва олимларнинг амалий вазифаси бўлиб қолди. Областда пахтани машина билан териб олиш ўртача 50—60 процентни ташкил этмоқда.

АГИТАТОР, СУҲБАТИНГДА ФОЙДАЛАН

ради. 1937 йилга келиб эса, хўжаликларнинг 95 процента колхозга уюшади, экин экиладиган майдонларнинг 99,4 процента шулар тасарруфига ўтади. 1930 йилда Тошкент областида дастлабки машина-трактор станциялари ташкил этилади. Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенг кўламда механизациялаш ишига асос солади.

Социалистик тузум ва илғор машина техникаси ўзбек қишлоғида чуқур социал-иқтисодий ўзгаришларни қилди. Ўзбек қишлоғи қолоқликни улоқтириб ташлаб, индустриал техника, коллектив меҳнатнинг илғор методлари, совет агробиология фани ва социалистик маданият макони бўлиб қолди.

Тошкент области қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мамлакатимизда салмоқли ўринни ишғол қилади. Совет ҳокимияти йилларида областда пахтанинг ялпи ҳосили қарийб етти баробар ўсди (1913 йил — 52,4 минг тонна; 1966 йил — 349,6 минг тонна), сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, картошка, ҳўл мева ва узум, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бир неча баравар кўпайди. Хўжаликнинг янги соҳаси — канопчилик вужудга келди, ривож топди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтиришда областдаги илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа илмий муассасалар катта роль ўйнамоқда. Олимлар, селекционерлар билан ҳамкорликда пахта, каноп, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли сортларини яратдилар, деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш учун тавсияномалар бердилар. Пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини комплекс механизациялаш учун машиналар системаларини яратдилар, сув хўжалиги ва мелиорация қурилиши ишлари бўйича самарали тадбирларни ишлаб чиқдилар.

Колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалигининг асрий қолоқлигини тугатиш, пахтакор меҳнатини механизациялаш ва юқори унумдор қилиш деҳқончилик маданияти ва барча экинлар ҳосилдорлигини ошириш имкониятларини берди. Колхоз тузуми қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. У қишлоқда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда катта роль ўйнади ва ўйнамоқда.

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Коммунист» колхози ихтисослаштирилган сабзавот уруғчилиги хўжалигига айлантирилган. Колхоз деҳқонлари юбилей йилида қарийб 150 тонна сабзавот уруғи етиштириш мажбуриятини олишган. Юқоридаги суратда: республика сабзавотчилик илмий-текшириш институтининг технороги С. Фельдман (чапда) ва колхоз ранси М. Мирсоатов ўртоқлар пиёз уруғларини кўздан кечирмоқдалар.



ҲАШАРОТНИ ҚИРИНГ

Пахта фронтида мўл ҳосил учун кураш тобора қизғин тус оляпти. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги юбилейини муносиб меҳнат тортиқлари билан кутиб олишга бел боғлаган областимиз пахтакорлари ҳар тун ғўзада иложи борича кўпроқ ҳосил нишоналари тўплашнинг ҳаракатида бўлмоқдалар. Ана шундай долзарб дамларда ҳосилнинг ашаддий душмани бўлган қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўтган июль ойида қишлоқ хўжалик зараркунандалари анча кўпайиб, пахта, сабзавот ва бошқа экин майдонларига тарқалганлиги маълум бўлди. Айниқса, барг ширалари, ўргумчаккана ва кўсак қуртлари мўл ҳосилга жиддий хавф туғдирмоқда. Шуни ҳисобга олиб областимизнинг бир қанча илғор хўжаликларида ҳашаротларни йўқотиш учун зарур тадбирий чоралар амалга оширилди ва оширилмоқда. Лекин, айрим хўжаликларда зараркунандаларни йўқотиш иши пайсалга солинаётганлиги, заҳарли химикатлар сепиш сифатсиз ўтказилаётганлиги оқибатида ҳашаротлар камайиш ўрнига кўпайиб баъзи бир пайкалларга зиён ҳам етказмоқда.

Август ойида пахта майдонларига айниқса кўсак қурти катта шикаст етказиши мумкин. Ҳозирги пайтда бу зараркунанданинг учинчи авлоди пайдо бўляпти. Бу сафар уларнинг миқдори илгаригига нисбатан бир неча баравар кўп бўлади. Агар ўз вақтида зарур чора кўрилмаса, бу зараркунанда ҳосилга катта путур етказиши турган гап. Шунинг учун ҳозирги кунларда хавфли ҳашаротларга қарши ғўзага химиявий ишлов беришни сира ҳам орқага суриш керак эмас. Августнинг биринчи ярми мобайнида илгари зараркунанда тушганлиги аниқланган барча пахта майдонларига қайтадан заҳарли химикат сепиб чиқиш зарур.

Далаларга химиявий ишлов беришда авиация воситалари ҳамда чанглагич-пуркагичларни тўла ишга солиш лозим. Ҳашаротларга қарши сепиладиган дорилар қуйидагича: ДДТ нинг 50 процентли пастаси ёки 30 процентли эрувчан порошоги, ДДТ дустлари, гексахлоран ёки унинг ўрнини босадиган бентокс, дитокс сингари препаратлар хоҳ алоҳида, хоҳ аралаштирилган ҳолда гектар бошига 30—40 килограммдан сепилади.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

Бундан ташқари август ойида ўргимчаккана ва ширани батамом қириб ташлашга ҳам жиддий эътибор бериш талаб этилади. Бу зараркунандалар бутун август ойи мобайнида пахта майдонларига кенг тарқалиши ва ҳосилга жиддий зиён етказиши мумкин. Айниқса, самолётлар билан ишлов берилганда дори сепилмай қолиб кетган майдонларда (электр тармоқлари ўтган, аҳоли яшайдиган пунктлар орасидаги майдонларда) бу ҳашаротлар айниқса кўп тарқалиши мумкин. Ҳашарот тушган майдонларга 10—15 августдан кечиктирмасдан метилмеркаптофос (санитария қоидаларига мувофиқ рухсат этилган жойларга), аҳоли яшайдиган пунктлар орасидаги майдонларга эса олтингугуртли препаратлар ва карбофос билан ишлов бериш лозим.

Пахтакорлар билан бир қаторда сабзавотқорлар ҳам ҳашаротни йўқотишга қаттиқ киришишлари зарур. Кечки сабзавот ва полиз экинлари экилган майдонларда ширa, ўргимчаккана ва бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандаларини йўқотмоқ учун фосфомид, рогор, антио эмульсияларининг 0,2 процентли концентрациялари, шунингдек анабазин сульфатнинг 0,1 процентли эритмаси қўлланилади. Кузги қуртларни йўқотиш учун заҳарланган кунжара кукунига ДДТ дусти аралаштириб сепилса ёки қальций арсенати (бунда 10 килограмм майдаланган кунжарага бир килограмм ДДТ дусти ёки 600 грамм қальций арсенати аралаштирилади) қўлланилса жуда яхши натижа беради.

Далаларга заҳарли химикат сепиш ишини ҳар қандай шароитда ҳам йигим-теримга 20—25 кун қолганда албатта тўхтатмоқ зарур.

Областимизнинг пахтакор ва сабзавотқорлари шу кунларда барча экинларни парвариш қилишни қизғин давом эттириш билан бир қаторда ҳашаротларни битта қўймай қириб ташлашга ҳам жиддий эътибор берсалар, юбилей йилида мўлжаллаётган катта марраларини албатта эгаллай оладилар.

С. БОНДАРЕНКО,
область ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясининг директори.

Б. ДУБРОВИН,
станция секторининг раҳбари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„ПИОНЕР ЁЗИ СОЗ ЎТСИН“

Газетамизнинг 7 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида материал босилиб, унда областимиз районларидаги мактаб ўқувчилари учун колхозлар, совхозлар, район ташкилотларининг пионер лагерлари ташкил қилишда амалга ошираётган тадбирлар атрофлича ёритилиб, баъзи районларда шу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ўлда-жўлда қолаётганлиги танқид қилинган эди.

Жумладан, Юқори Чирчиқ райони бу масалага етарли эътибор бермай, пионер лагерларини ташкил қилишда айрим камчиликларга йўл қўйганлиги танқид қилинган эди.

Мазкур мақола район партия ва ижроия комитетларининг қўшма мажлисида муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш чоралари белгиланган, 1758 та мактаб ўқувчиси ҳордиқ чиқарадиган еттита пионер лагери ташкил этилганлиги, ҳозир 586 ўқ чи бир вақтда ана шу лагерларда дам олишаётганлигини Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари ўртоқ И. Султонова редакцияга хабар қилди.

ЯНГИЙЎЛДАГИ Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз чорвадорлари гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда чорва қишлови учун ем-хашак базаси яратишга ҳам жиддий эътибор бермоқдалар. Пастдаги суратда: пресслланган хашакни ғарамлаш пайти.

Ҳ. Ҳайтмуҳамедов ва М. Ларионов фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

«СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛАНТИРИЛСИН»

БАЙРУТ. Ливан прогрессив социалистик партиясининг раҳбари, парламет депутати Камол Жумблат араб мамлакатларини «Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун барча восита ва имкониятлардан фойдаланишга» чақирди. У матбуот учун берган баёнотда Исроилни қўллаб-қувватлаётган ғарб мамлакатларига нефть етказиб беришни бутунлай тўхтатишни ва Америка, Англия ва Голландиянинг араб мамлакатларидаги нефть компанияларини национализация қилинишини талаб қилди. Жумблат Исроил агрессиясини қўллаб-қувватлаётган империалистик давлатларнинг хатти-ҳаракатларига жавобан АҚШ ва Англиянинг ҳамда арабларга нисбатан душманлик позициясини тутаётган бошқа мамлакатларнинг банкларидан араб капиталларини қайтариб олишни талаб қилди. Араб пуллари, деди Жумблат, арабларнинг адолатли ишини қўллаб-қувватлаётган мамлакатлар банкига қўйилиши лозим.

Прогрессив социалистик партиянинг ранси Америка ва Англиянинг араб территорияларидаги ҳарбий базаларини дарҳол тугатишни ва араб мамлакатлари мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашни талаб қилди. «Араблар,— деди Жумблат, ўзларининг миллий манфаатларини назарда тутиб, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларини қайта кўриб чиқишлари лозим. Социалистик мамлакатлар билан ва бошқа дўстона давлатлар билан савдо муносабатларини ривожлантириш зарур». (ТАСС).

АМЕРИКА УЧУВЧИСИ АСИР ОЛИНДИ

ХАНОЙ. Вьетнам Халқ армиясининг ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари 3 августда Америкининг бир самолётини уриб туширдилар.

Самолётдан ўзини парашютда ташлаган учувчи асир қилиб олинди.

Вьетнам Демократик Республикаси устида уриб туширилган Америка самолётларининг умумий сони 2.143 тага етди. (ТАСС).

ИТТЕБЕРОДА ЖАНГ

БРАЗЗАВИЛЬ. Ёлланма оқ танлилар ва Катанганинг собиқ жандармаларидан бир группаси Конго қўшинларининг Иттеберо шаҳри яқинидаги қўршовини кесиб ўтишга ва чегара оша Руандуга қочиб кетишга қаттиқ уриниб кўрдилар.

Киншаса радиосининг хабар беришича кўра, бу уриниш муваффақиятсиз бўлиб чиқди ва ёлланма қўшинлар ўн кишини йўқотгани ҳолда чангалзорларга яшиндилар. Шиддатли отишмалар вақтида Конго миллий армиясининг 19 солдати ярадор бўлди. (ТАСС).

АНГЛИЯ ЛИВИЯДАН ЎЗ ҚЎШИНЛАРИНИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТАДИ

ҚОҲИРА. МЕН агентлиги Триполидан (Ливия) хабар беради: Англия Ливия территориясида жойлашган ҳарбий базалардан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга розилик берди.

Ливия ташқи ишлар министрлиги вакилининг айтишича кўра, инглиз қўшинлари 6 ой давомида олиб кетилади. Шу вақт ичида Англиянинг барча ҳарбий иншоотлари Ливия маъмурларига топширилади. (ТАСС).

Л. ЖОНСОННИНГ АҚШ КОНГРЕССИГА СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА ЁЗГАН МАКТУБИ

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Жонсон конгрессга махсус мактуб юборибди, унда аҳолидан олинадиган даромад солигини 10 процент оширишни тавсия қилади. Бундан тушган қўшимча маблағлар Вьетнамда тобора кенгайтирилаётган урушга сарфланади. Жонсон ўз мактубида шунингдек Жанубий Вьетнамга яна камида америкалик солдатлардан 45 минг кишини юбориш тўғрисида кўргазма берди. Шундай қилиб, АҚШнинг Вьетнамдаги қуролли кучларининг умумий сони 500 минг кишидан ошиб кетади. (ТАСС).

ГАИТИ ДИКТАТУРАСИНИНГ РЕПРЕССИЯЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. Гаитининг пойтахти Порт-о-Пренс шаҳрида аҳвол жуда кескин. Бу мамлакатдан олинаётган хабарларга кўра, ҳозирги диктатор Дювальеге қарши оппозицияда қатнашаётган, деб шубҳа қилинган ҳамма кишидан қўшинлар ва махфий полиция раҳмсизлик билан ўч олмоқда. Гаитининг Вашингтондаги элчихонаси расмий равишда тасдиқлашича, Порт-о-Пренс шаҳрида комендантлик соати жорий қилинган.

Гаитидан Қўшма Штатларга келаётган муҳожирлар оммавий қамоққа олиш ва отишлар тўғрисида ҳикоя қилмоқдалар. Уларнинг сўзларига кўра, сўнгги кунлар Дювалье агентлари 100 дан ортиқ кишини қўлга олганлар.

Диктатор Дювальенинг қуролланган муҳолифлари Гаитига туширилажаги тўғрисида ва тоғларда партизан отрядлари пайдо бўлганлиги ҳақида сўнгги вақтларда тарқалган миш-мишлардан кейин яна ўч олишлар бошланиб кетди. (ТАСС).

«ЕВРОПА-2» РАКЕТАСИ УЧИРИЛДИ

ЛОНДОН, 4 август. (ТАСС). Бугун эрталаб Вумер (Аделаида — Австралия) старт майдонидан «Европа-1» ракетаси учирилди деб хабар беради Рейтер агентлиги.

Ракета космик ракеталар қуриш ва учириш билан шуғулланувчи Европа ташкилотининг ходимлари томонидан учирилди. Бу ташкилотга Австралия, Англия, Италия, Бельгия, Голландия, Франция ва ГФР аъзо бўлиб кирган.

МУВАФФАҚИЯТСИЗ ПАРВОЗ

ЛОНДОН, 4 август. (ТАСС). Бугун Вумер (Австралия) синаш майдонидан учирилган «Европа-1» ракетаси марказий Австралияда қулаб тушди, деб хабар берди Рейтер агентлиги. Ракетанинг иккинчи босқичи ишга тушмаганидан сўнг унинг парвози тўхтаган.

ИСРОИЛ ИҒВОГАРЛИГИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Аммондан хабар беришича, 3 августда Иордан дарёсидаги Дамия шаҳарчаси районида Исроил ва Иордания қўшинлари ўртасида отишма бўлди. Иордания армияси қўмондонлиги эълон қилган ахборотда Исроилнинг тўртта бронетранспортери дарё соҳилига қараб юриб, Иордан дарёсининг шарқий қирғоғидаги Иордания қўшинлари позициясини ўққа тутганлиги хабар қилинади. Бунга жавобан Иордания томони ўт очган. Отишма ярим соат чамаси давом этган. Ахборотдан Иордания томонидан талафот бўлмаганлиги таъкидланади. (ТАСС).

ХАЛҚ МОНГОЛИЯСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

УЛАН-БАТОР. Ўтган беш йиллик давомида халқ Монголиясида электр энергия ҳосил қилиш 2,9 баравар ошди. Мамлакатни ривожлантириш тўртинчи беш йиллик планида янги қувватларни фойдаланишга топшириш ва мавжуд корхоналарни кенгайтириш йўли билан электр энергия ишлаб чиқаришни яна 1,9 баравар кўпайтириш кўзда тутилади. Ҳозир Совет Иттифоқининг ёрдами билан Улан-Баторда, Чойбалсан шаҳрида ва бошқа бир қанча жойларда бир неча электр станциялар қурилмоқда. Айни вақтда совет қурувчилари мамлакат марказий районининг ягона энергетика системасини вужудга келтиришда иштирок этмоқдалар.

* * *

1967 йилда Монголия Халқ Республикасидаги телефон станцияларининг сони 1960 йилдагига қараганда 86 процент, радиоузеллар сони 4 баравар, радиокарнайлар сони ярим баравардан кўпроқ ошди.

Янги беш йилликда телефон станцияларнинг сони 1,9 баравар кўпайтирилади. Кўпгина шаҳарлар давлат хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик кооперативлари марказларида автоматлаштирилган телефон станциялари фойдаланишга топширилмоқда.

Яқинда Дархан шаҳрида Совет Иттифоқининг ёрдамида энг замонавий техника билан таъминланган янги алоқа уйи ишга туширилди. (ТАСС).

БУЮК ЮТУҚЛАР

БРАЗЗАВИЛЬ. Бу ерда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига бағишланган катта фотовиставка очилди. Виставкага совет мамлакати, унинг саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданияти тўғрисида, совет кишиларининг кундалик ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи жуда кўп фотосуратлар қўйилган.

«Бу виставка,— деб ёзади Конго информацион агентлиги бюллетени,— жаҳонда биринчи социалистик мамлакат ўзи ташкил топган кундан бери ўтган 50 йил мобайнида эришган буюк муваффақиятлар ва ғалабалар ҳақида очиқ-ойдин ҳикоя қилади. (ТАСС).

«ТОШКЕНТ» ЦИРКИ ЧЕХОСЛОВАКИЯДА

ПРАГА, 4 август, (ТАСС). «Тошкент» цирки Словакиянинг Кошица шаҳрида тантаналли премьера билан Чехословакияда ўз гастролларини бошлади.

Циркнинг биринчи томошасида ҳозир бўлган 4.000 томошабин акробатлар, чавандоз йигитлар ва совет циркининг бошқа усталарини қизғин олқишладилар.

«Тошкент» цирки Чехословакиянинг бошқа шаҳарларида ҳам томошалар кўрсатади.

НИГЕР РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАЙРАМИ

БАМАКО. Нигер республикасининг халқи ўз мамлакати мустақил деб эълон қилинган кунининг етти йиллигини нишонлади. Ниамеядан олинган хабарларга кўра, мамлакатнинг миллий байрами муносабати билан Нигер пойтахтида намойишлар ва ҳарбий парад бўлиб ўтди. (ТАСС).



ФРАНЦИЯ. Бу улкан электростанция Динан ва Сен-Мало шаҳарлари ўртасидаги Ла-Манш соҳилида бунёд этилган. Плотинанинг узунлиги 350 метр. Камера Пресс-ТАСС фотоси.

ИККИ ШЕЪР

ВАГОНДАГИ УЧРАШУВ

Поезд олга қараб кетади,
Ортда қолар далалар, йўллар.
Симёғочлар «лип-лип» ўтади,
Деразада шамол шовуллар.
Вагон ичи ўзи бир дунё,
Кимдир чекар,
Кимдир куладн.
Поезд эса тинмайди асло,
Эртаю-кеч йўлда бўлади.
Бир қиз вагон деразасидан —
Олис боқиб, суради хаёл.
Боласини эркалар ҳарчанд —
Йўлдалигини унутган аёл.
Ҳу, юқори қаватда кимдир —
Ёнбошлаган, ухлар бемалол.
Ўтиб борар дала, тоғир, қир,
Чой хўплайди ёнимдаги чол.
Ва сўрайди:
— Йўл бўлсин ўғлим?
Исминг нима?
Қаерлик ўзинг?
Бир дақиқа қолади-да жим,
Яна сўйлар:
Танишдек юзинг?!
Танитаман аста ўзимни,
Аён бўлар манзилим унга.
У ҳам тинглаб бир-бир сўзимни,
Оқ йўл тилаб қолади менга:
— Йўлинг бўлсин болам,
бехатар,
Ўз уйингга боргил саломат!
. . . . . .
Йўлга чиқсам, сафар олдидан—
Ўша чолни эслайман ҳар вақт!

УМР

Йиллар ўтаверар бир-бирин
қувиб,
Йиллар ёшимизга ёш
қўшаверар,
Бироркун ёмғирда қолсак гар
ивиб,
Бошқа кун қуёшли кун
жўшаверар.
Гўдак эдик бир пайт.
Сўнг бола бўлдик.
Шўх ёшлик силади бошимизни,
ҳа.
Қачондир варрақдан завқланиб
кулдик,
Қувноқ болаликда қувноқ қаҳ-
қаҳа.
Йиллар ўтаверди дурдек
тизилиб,
Ортда қолиб кетди қанча йўл,
элат.
Ҳаёт ипи маҳкам, кетмас узилиб,
У мангу чийрилган,
Боқийдир ҳар вақт!
Ҳаётда ҳар киши тинмаса
мудом,
Тинмаса,
Тинмаса,
Тинмаса асло,
Шундай кишилардан қолар
яхши ном,
Шундай кишилардан
хурсанддир дунё.
Халқни севганларни халқ севар
доим,
Табиат ошиққа қўяди ихлос.
Яна эллик йилдан сўнгра
мулойим —
Шундай йиғинларда учрашимиз
рост.

ТУЛҚИН.

ҚУШИҚ АЙТГИМ КЕЛАР...

Қушиқ айтгим келар,
Дилдаги ҳислар —
Қафасдаги қушдай
Чиқмоқчи қочиб.
Марҳабо дер эдим
Вақтимни хушлаб,
Кўнглим дарчасини
Қўярдим очиб.
Қушиқ айтгим келар,
Атрофим жимжит...
Аммо куйламоққа
Қўрқаман шу дам,
Чунки чақалоғи
Ухласа тинчиб,
Бевақт уйғонмасин,
Дер экан одам.

Маъруф ЖАЛИЛОВ.

Обиҳаҳмат дам олиш уйи республикамизнинг гўзал, файзли оромбахш жойларидан биридир. Бу ерда ҳар йили Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан келган меҳнаткашлар маданий дам олиб ҳордиқ чиқарадилар. Суратда: бир группа дам олувчилар тоғ ёнбағирларида сайр қилишяпти.

Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

«ЁНАР» СУВ

Қадимги Новгород шаҳри ёнида Ильмен кўли бор. Бу ерда балиқ тутиб юрувчилар кўлнинг айрим жойларида сув тўсатдан шовуллаши ва унинг устида майда фонтанчалар пайдо бўлишини, билишади. Агар ана шу фонтанчаларга ёнб турган гугурт чўпини ташласангиз у машъала бўлиб алангаланади, лекин тутун чиқармайди.

Балиқчилар қишда музни тешиб сувни ёндирадилар ва ана шу «гулхан» атрофида ўтириб исинадилар. Агар ёғоч билан кўл тагидаги сувни аралаштирилса олов янада ёрқинроқ ёнади.

Бунинг сабаби нимада? Сувда яшовчи бактериялар сув ўсимликлари, торф сингари нарсаларни чиритади. Натижада сувда ёнувчи газлар ҳосил бўлади. Улар сувдан майда фонтанчалар бўлиб ташқарига чиқиб туради. Ана шу газлар балиқчилар гулханлари учун «ўтин» хизматини қилади.

СУНЪИЙ ТУПРОҚ

Белоруссия олимлари сунъий тупроқ яратдилар. У 10—15 йил давомида ўғитланмайди. Олимлар бунинг учун махсус ион олмашувчи смоладан фойдаландилар. Бундай смоланинг ҳар бир донаси вулканизация қилинган резина сингари тўрли полимерни эслатади. Ана шу доналарга тўпланган ўсимликни озиқлантирувчи моддалар табиий тупроқдагидек сувда ювилиб кетмайди. Уларнинг ҳамма ўсимлик ривожланаётган вақтда у томондан шимилади. Ўсимлик ўзига қанча озуқа керак бўлса шунча озуқани талаб қилиб олади. Ионидларда 10—15 процент озуқа моддалари ёки гидропон қоришмасидагига қараганда 200—300 баравар кўп бўлади.

Химиклар ва биологлар шу сунъий тупроқда беш марта ҳосил олишди. Тупроқ синовдан яхши ўтди. Унинг ҳар квадрат метридан 8 килограммдан сабзи, 17 килограммдан салатли карам ёки парник хўжаликларидагига қараганда 5—6 баравар кўп ҳосил олинди. Лабораториядаги анализлар шуни кўрсатдики, сунъий тупроқда ўсган ўсимликларнинг таркибида лигнин, витаминлар, қанд миқдори нормадагидан кам бўлмаган.

Е. ГАЛКИН.
(АПН).

КУЛГИ КЕЧАСИ

Шанба куни пойтахтнинг Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғи одатдан ташқари гавжум бўлди.. Бу ерга кулги шинавандалари — муштумхонлар йиғилишган эди.

Кираверишингизда «Крокодил» ва «Муштум» журналларининг расми катта қилиб осиб қўйилибди. Журнал саҳифаларида ишёқмаслар, текинхўрлар, дангасалар, иккиюзламачилар, эскилик қолдиқлари, ҳимоячилар ва ҳ. ларини фош қилувчи карикатуралар озмунча босилганми. Муштумхонлар бу карикатураларни завқ билан томоша қилиб, қаҳ-қаҳ уриб кулишади.

Бу ерда «Муштум»нинг бундан 3—4 йил олдин чиққан сонлари билан ҳам танишиш, уларда босилган карикатураларни мириқиб кўриш мумкин эди.

Кинолекторий ҳам одамлар билан тўла. Бу ерда «Наштар» ва «Фитиль» киножурналлари намойиш қилинди. Экранда бюрократлар, иккиюзламачилар образи намоён бўлар экан, томошабинлар гур-гур кулишади.

Хуллас «Муштум» журнали коллективи томонидан Октябрнинг 50 йиллик шарафига ташкил этилган бу кулги кечаси томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Кечада «Муштум» журналининг бош редактори Мирмуҳсин, редактор ўринбосари Т. Алимов, журнал ходимларидан О. Кўчқорбеков, бош рассом Н. Иброҳимов ҳамда А. Муҳиддин Я. Қурбонов ва бошқа ўртоқлар иштирок этиб кулги шинавандалари билан суҳбат ўтказиб, фикр алмашдилар. Муштумхонларни кўпроқ қандай материаллар қизиқтираётганлиги, бундан кейин кўпроқ нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида ҳам гап борди.

Кеча охирида катта сайил бўлди. «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ҳамда Навоий номли маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари ўз санъатларини намойиш қилдилар.

М. ЗАРИПОВ.

ДЕНГИЗ БЎЙИДАГИ УЙЧА

Н. ШВАНКОВ.

ЭРТА тонг пайти. Қиргоқ ёқасида ўсиб ётган бутала орасидан ўтгувчи илон изи сўқмоқ бўйлаб икки чегарачи дозордан заставага қайтиб келмоқда. Улар, ўсиқ-бўйчан сирень гуллари орасидан кўриниб-кўринмай турган чоққина уйча тўғрисига яқинлашар эканлар, қадамларини бир мунча секинлатиб босадилар ва:

— Салом, Крист Янович! Эртангиз бахайр бўлсин, Анна Яковлевна! — деб уйча эгаларини қутлашиб ўтадилар.

Ҳовлидан новча, қадди-қомати тик бир чол билан бирга тўладан келган, бўйи ҳам эриникига ета-кўпа бир аёл чиқиб келади. Чол-кампир кўнгил билан жилмайишиб, аскар йигитларнинг кўлини олишда, ҳол-аҳвол сўрашади.

Чегарачилар, умуман, маҳаллий халқ билан муносабатда ҳамиша жуда хушмуомала, дилкаш ва сидқидил бўладилар. Аммо мазкур чоққина уйча эгалари билан суҳбатда бўладиган чегарачи йигитларимизнинг эса, овозида мудом қандайдир юракларни элтгувчи алоҳида илиқлик сезилиб турарди.

— Булар ўша... Пипикслар! — деб изоҳ берди менга, навбатдаги чегарачиларнинг дозордан қайтиб келишини кутиб турган застава бошлиғининг снёсий ишлар бўйича ўринбосари старший лейтенант А. Головченко.

Мен бу Пипикслар оиласи ва уларнинг кўрсатган олижаноб ҳамда мардонавор ишлари ҳақида ҳали чегарачилар бўлинмасида эканлигим чоғидаёқ эшитган эдим. Мени бу ерга олиб келган ҳам ана шу Пипикслар оиласи билан яқиндан танишсам экан деган иштиқим бўлди.

— Ишингиз жуда ўнгидан келди, — деди менга старший лейтенант. — Худди ўйлагандек, Криста Янович билан Анна Яковлевна, бахтингизга, шу бугун бу ерга — заставамизга меҳмон бўлиб келишлари керак. Чунки ёш чегарачиларимиз биздан шундай учрашув ўтказишимизни илтимос қилишган эди...

Орадан бир неча соат ўтгандан кейин, чегарачилар заставасининг серсоя ҳовлисига барча хизматдан бўш жангчилар билан сержантлар тўпланишди, Пипикс Анна Яковлевна ҳаяжон билан уларга 1940 йили бу ерда — кумуш кўпиклари мавж урган зангори Болтиқ бўйида қандай қилиб Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва латиш балиқчилари ҳаётида ўз дамлар қандай улуғвор ўзгаришлар юз берганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Аммо бу қувончли дамлар кўп узоққа чўзилмайди. Болтиқ бўйига гитлерчи фашистлар қўшинлари галаси бостириб киради.

Денгиз соҳиллари тепасида фашистлар самолётларининг даҳшат солиб гувуллаган овозлари эшитила бошлайди. Пипикслар оиласининг уйлари яқинига жойлашган чегарачилар заставаси жангта ҳозирлик кўришга кўтарилдилар. Крист Янович билан Анна Яковлевна, айни вақтда, чегарачилар заставаси бошлиғининг хотини оғир бетоб бўлиб, шаҳар касалхонасида ётганлигини билишар эди. Ҳўш, энди, чегарачилар заставасининг бошлиғи ўз болаларини кимнинг қўлида қолдиради? Пипикслар совет офицсридан болаларини уларнинг уйларига келтириб беришларини таклиф этишади. Старший лейтенант Павел Иванович Копишко сўнгги марта ўз фарзандларининг пешоналаридан ўпиб, латиш дўстлари билан хайрлашади-да, чегарачилар колоннасини оғир уруш даҳшатлари еру кўкни момақалдироқ каби кучли ларзага келтириб, чақмоқ чақаётган томон сари етаклаб кетади.

Душманнинг ҳарбий ҳаво десантчиларига қарши олиб борилган жангларда чегарачилар заставасининг бошлиғи қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Аммо унинг зийрак болалари — ўн яшар Володя билан уч яшар Толя эса узоқ вақт оталарини хавотир ичида кутиб ўтирадилар. Улар тиқ этган ҳар бир овоз ва шитр этган ҳар бир шарпага диққат билан қулоқ солиб, оталарининг ўзларига таниш бўлган яшил фуражкасини кўриб қолармикинмиз, деган умида, денгиз соҳилидаги буталар орасига интиқ бўлиб кўз тикиб ўтирадилар.

Анна Яковлевна билан Крист Янович иккаласи офицер Копишконинг ҳалок бўлганини билишар эди. Бунинг устига, кимдир уларга, чегарачининг хотини ҳам касалхонада қазо қилган эмиш, деган хабарни етказишади. Шундан кейин Пипикслар етим қолган болаларни тарбиялаб вояга етказишга қарор қиладилар.

Қишлоқда гитлерчилар пайдо бўлади.

— Сизлар большевикнинг болаларини яшириб боқаётган экансизлар! — деб қичқирди фашистлардан биттаси уларга. — Уларни дарҳол колоннага элтиб беришларингиз керак. У ерда бу итвачаларни нима қилишликни яхши билишади!

— Майли, нима қилсаларингиз килинглар, лекин биз болаларни ҳеч қимга бермаймиз! — деб туриб олишди бир оғиздан Крист Янович билан Анна Яковлевна. — Болалар бизнинг оиламизда қолиши керак!...

Фашистлар қуруқ қайтиб кетишади. Лекин бир неча кундан кейин улар тағин қайтиб келишади. Яна ҳақоратлар ва дўқлар бошланади.

Аммо гитлерчилар нима учундир болаларни зўрлик билан тортиб олишга жазм қилмасдилар. Улар ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, латишлар оиласи совет офицерининг бу болаларини уларга «ўз ихтиёрлари билан» топширишларига эришмоқчи бўладилар. Сўнг фашистлар бошқа тубан йўлларни ҳам тута бошлайдилар. Улар, гўё, собиқ чегарачилар заставасининг бошлиғи ўз вақтида маҳаллий дўкондан қарзга сўраб олган нарсаларининг пулини батамом тўлаб қутулолмаган экан, деган важни баҳона қилиб кўрсата бошлайдилар. Шу муносабат билан, полиция, совет офицерининг «қарзи» бадалига, унинг Пипикларга қолдириб кетган бутун буди-шудини тортиб олади. Фашистлар болаларнинг пальтоларини, оёқ кийимлари, энгиллари ва ҳатто қўлқопларигача олиб кетишади... Бундан мақсад, битта эди: у ҳам бўлса — бечора балиқчи аёлли ўзининг яккаю-ёлғиз фарзанди Имантни ўраб-чирмаб қийинтириш учун ҳам ҳеч нарсаси қолмасин; агар шундай қилинса, у ўзиники қолди-ю, большевикнинг болаларига қаердан кийим-кечак топади? Эрта йўқ, индин, қиличини судраб қаҳратон қиш келади, шундан кейин Пипикслар ўзларидек фашистларнинг ҳузурига келиб, бу ортиқча ташвишдан уларни қутқаришларини илтимос қилиб қолишади.

Ҳақиқатан ҳам қиш жуда қаттиқ келади. Денгиз бўйидаги бу гариб уйча шу қадар совуқ бўлиб, улар ҳатто тез-тез оч ҳам қолиб туришарди.

Пипикслар ўзларининг топгантутганлари ва бир бурда нонларини уч болага: Толяга, Володяга ва Иманга тенг бўлиб бериб, тарбия қилишади. Совет офицерининг болалари яланғоч, яланг оёқ қолмайди, ишқилиб, кийиш мумкин бўлган ҳамма эски-туски кийимларни ишга солишади.

Вентспилс деган қўшни шаҳарчада гитлерчилар тинч маҳаллий аҳолидан бир неча оилани отиб ташлашади.

— Сизларнинг оилаларингиз бошига ҳам худди шундай кун келади! — деб қўрқитар эдилар Пипикслар.

Фақат Шарқий фронтда юз берган жиддий ўзгаришларгина фашистларни совет офицерининг болаларини унутишга мажбур этди.

Пипикслар бир маҳаллий муаллиманинг ёрдами билан Володяни латишлар мактабига жойлаштиришга муваффақ бўладилар. Анна Яковлевна билан Крист Янович иккаласи ўзларининг бу асраган ўғилларининг ютугидан қувонмай илолмаслар эди. Ахир, осонми: Володя бир йил ичида ҳам латиш тилини ўрганиб, ҳам уч синфга бирдан имтиҳон берса-я!...

Латиш балиқчисининг оиласи фашистлар билан бўлган кўпдан-кўп оғир тўқнашувларга бардош беради. Қанчадан-қанча қийинчиликларни ва мусибатларни бошидан кечиради. Пипикслар нинг ўғиллари — энди улар учта эди! — кундан-кун балоғатга етиб, ўқиб-ўрганиб, ҳалол, мард, меҳнатсевар бўлиб улғайиб боради.

— Ўзимизнинг қушниларимиз қайтиб келишган пайтдаги қувончларимизни сўз топиб изоҳ қилиш қийин, — дерди Анна Яковлевна сўзида давом этиб. — Шундан кейин, яна бошимиздан хавф-хатар кўтарилиб, бизлар ёруғлиққа чиқдик...

Чегарачилар, Анна Яковлевна билан Крист Яновичдан уларнинг оилалари кечирган кунлар, ҳамда ҳозирги вақтда Володя билан Толянинг қаерда эканлиги ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилишади.

Шу пайт малла соч. миқтидан келган ёш бир офицер йигит столдан туриб, шундай деб гап бошлайди:

— Дўстларим, рухсат этсаларингиз, сизларнинг бу саволларингизга мен жавоб берсам... Ўша сўраганларингиз... Владимир Павлович Копишко — мен бўламан...

Владимир Павлович Копишко уларга уруғдан кейин тезда бу ерга оналари Ранса Ивановна Копишконинг қайтиб келганини, оғасининг вақтида бу ердаги касалхонадан Горький областига кўчиришга улгуриганлигини ҳикоя қилиб берди. Болалар ўқишни давом эттирибдилар. Владимир, ҳалок бўлган отасидан ўрнак олиб, ўз олдига офицер бўлишликни мақсад қилиб қўйибди. Унинг бу орзуси ушалибди ҳам. У, бу ердан унча узоқ бўлмаган Вентспилс шаҳарида хизмат қиларкан. Онаси ҳам ўша ерда ўғли билан бирга яшар экан...

Денгиз бўйидаги ўша чоққина уйча ҳамон унинг юрагига қадимгидек яқин ва азиз экан. Крист Янович кексалиги туфайли ҳозир денгизга чиқмас экан. У ҳам, хотини Анна Яковлевна ҳам шахсий пенсия олишаркан. Латвия ССР Олий Совети Президиуми эри-хотин Крист Янович билан Анна Яковлевна Пипикслари, оғир ва даҳшатли уруш йилларида совет армияси офицерининг болаларини омон сақлаб қолганликлари ва уларни совет кишиси руҳида тарбиялаб вояга етказганликлари учун Фахрий Ёрлиқлар билан мукофотлаган.

Денгиз бўйидаги бу чоққина уйча аҳли, она-Ватан чегараларини қўриқлашда ҳамон қадимгидек чегарачиларга фаол ёрдам қилиб келади. Анна Яковлевна билан Крист Янович Пипикслар Совет жангчиларига уларнинг жанговар фаолиятларини амалга оширишда берган яқиндан ёрдамлари учун «СССР давлат чегарасини аъло даражада қўриқлагани учун» медали билан ҳам мукофотланганлар.

Владимир Копишко ўзининг бу тутинган ота-онаси олдига тез-тез келиб, уларга ёрдам бериб туради. Мана бугун ҳам у дам олиш кунидан фойдаланиб, хотини Анна Георгиевна билан бирга бу ерга келган. Балиқчининг уйидагилар, шу кунларда, ҳарбий мактабни тамомлаб, офицер бўлиб қайтаётган ўзларининг кичик асраси ўғиллари Анатолий Копишкони ҳам кўз тикиб кутмоқдалар.

Чегарачилар Анна Яковлевна билан Крист Яновичга уларнинг учрашувга келганликлари ва шу қадар олижаноб, бағри кенг, ажойиб одамлар бўлганлиги учун, самимият билан ташаккур билдиришди.

Жангчилар уларни дарвозагача кузатиб қўйишиб, узоқ вақт орқаларидан қараб қолишди.

Тезда дозорга навбатдаги янги смена келади. Ёш аскар йигитлар деразаларидан майин шўъла тарқатиб турган денгиз бўйидаги бу чоққина уйчага қалблари тўла шодлик ҳисси билан ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ марта кўз тикиб ўтадилар.

Агар чегара соҳчисининг атрофдаги кишилар қанчалик яхши, қанчалик ишончли ва содиқ бўлса, унга зулмат қўйнида чегара сўқмоқлари бўйлаб юриш ҳам шунчалик осон бўлади!

С. ХУДОИБЕРГАНОВ
таржимаси.

ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ

РАССОМ ТАБАССУМИ

— Ўғлим, ўчир овозини, сурати қолса бас
Қўшним билан ўйнамайман майли басма-бас

Зора бир кун келиб қолса ўзи нисофга.
Акс ҳолда юз айтсанг ҳам кирмайди гапга.

Бир хил овқат қайнатибон ҳар кун қозонда,
Хўрандани чалғитмоқчи бўлар пазанда,
Ўйлаб-ўйлаб топганига сиз бундоқ қаранг:
Бундан ортиқ яна қандай бўлади найранг.

— Милиция ходимими, кечиринг ўртоқ,
Ўғирлатдим деган сўзим, кўп чиқди чатоқ.
Олган экан сездирмайин пулни хотиним,
Олиб келди ўзларига ўн хиллик кийим.

А. Ҳолиқов чизган расмлар.

СПОРТ

МУКОФОТ — МОСКВАЛИКЛАРДА

4 августда Москвадаги В. И. Ленин номли марказий стадионда СССР халқлари IV юбилей спартакиадаси тантанали равишда ёпилди. Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига бағишланган бу спартакиада спорт, ёшлик, саломатлиннинг ажойиб байрамига айланди. Мусобақалар давомида 16 та жаҳон ва Европа рекордлари қўйилди, Мингдан ортиқ Иттифоқ ва республика рекордларига тузатиш киритилди. 9 миллиондан ортиқ йигит-қиз разрядчи спортчи бўлди.

СССР Министрлар Советининг умумиқоманда ғалабаси учун таъсис этган асосий мукофотини Москва спортчилари қўлга киритдилар.

Спартакиада қатнашчилари шу куни марш парад билан ўз байрамларини якунладилар.

МЕХИКО САРИ ҚАДАМ

Совет футболчилари Мехикода бўладиган олимпиада мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун биринчи тўсиқдан муваффақиятли ўтдилар. Улар ўтган жума куни Москвада Польша терма командаси билан бўлган иккинчи учрашувда 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни совет командасидан Игорь Численко ва Анатолий Банишевский киритдилар. Поляк футболчилари 11 метрдан берилган штраф тўпидан фойдаладилар. СССР терма командаси дарвозасини қўриқлаган пахтакорчи Юрий Пшеничников бир неча бор командани хавфли ҳолатларда тўпдан сақлаб қолди.

Энди совет футболчилари Чехословакия спортчилари билан икки марта учрашдилар. Бу ўйинлар келгуси йилнинг 31 июлигача ўтказилиши керак.

«ПОЛИТОТДЕЛ» ҒАЛАБАСИ

«Политотдел» колхози футболчилари мамлакат биринчилигининг кейинги учрашувида Кемерово шаҳрида маҳаллий «Кузбасс» командаси билан мусобақалашдилар. Ўйин областимиз футболчилари фойдасига 2:0 ҳисобида тугади.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛЕВ.

„ШОНЛИ ЙЎЛ“ ТУРКУМИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ярим асрлик тўйи муносабати билан республикамиз мўйқалам соҳиблари асарларидан шонли юбилей кўргазмаси очилади. Катта кўргазмага тасвирий санъат асарлари билан бирга графика соҳасида яратилган энг яхши ижодий намуналар ҳам кўйилади.

Журналист рассом Анатолий Циглинцев томонидан яратилган бир неча асар ҳам кўргазмага танлаб олинди. Булар график рассомнинг линогравюра асарларидир.

Ижодкор улуғ юбилей олдидан линогравюра, туш ва қаламда қатор расмлар чизди. Рассом уларни жамлаб «Шонли йўл» деб номлади.

Бу туркумга «Зулматдан нурга», «Уйғониш», «Искра», «Бахтли оила» каби тематик расмлар ҳам киритилди.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55—**Эшиттиришлар программаси,** 11.00 — **Энг бахтлилар ҳақида** (болалар учун фильм-концерт), 11.40 — **Пионер ишлари ҳақида** (болалар учун), 12.10 — **Беш учрашув** (телефильм).

Ўзбек тилида: 13.05 — **Роса учдан-ўн беш минут ўтганда** (болалар учун мультфильм), 13.25 — **Шубҳали меҳмон** (телеинсценировка), 14.05 — **Ҳужжатли фильм,** 16.55 **Эшиттиришлар программаси,** 17.00 — **Кинофильм** (болалар учун), 17.25 — **Телеянгиликлар,** 17.40 — **Она қишлоқ** («Ёшлик» радиостанцияси).

Рус тилида: 18.15 — **Телеянгиликлар,** 18.30 — **Қил устида** (бадиий фильм), 19.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.00 — **Пўлат из магистралларида** (темирйўлчилар кунига бағишланган эшиттириш ва концерт), 21.20 — **Ўзбекистон чорвадорлари** (чорвадорлар учун).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — ФРУНЗЕ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/VIII да **Нодира** (қишки бинода), **Концерт** (ёзги бинода, 7/VIII да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Фантомас — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10 да).

Фирибгарнинг мартабаси — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Қирол қайиқчилари — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Тирик ишон — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қувноқ болалар — Собир РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Айболит-66 — «ЧАЙКА» (кундуз соат 2, 4, кеч 6 ва 8 да).

ЁЗГИ БИНОДА

«(Кеч соат 8.45 минут ва 10 яримда)

Мартиннм чақириқ — «ФЕСТИВАЛЬ».

Вертиналь — «ХИВА».

Зося — ТЕЛЬМАН номли.

Фантомас — НАВОИЙ номли.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИНИНГ
ТОШКЕНТ КАФЕЛАРИГА

бухгалтерлар, иқтисодчилар, ошпазлар, ширинпазлар, официантлар, идиш-товоқ ювувчилар, ишчилар, уборщицалар, қоровуллар

КЕРАК

шунингдек 8, 11 синф маълумотли йигит ва қизларни официантлик касбига ўқитиш учун қисқа муддатли курсларга

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар, Педагогическая кўчаси, 13-уй, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (7, 8, 10, 11-трамвайларнинг, «Педагогическая тўхташ жойи).

ГЛАВСТРОЙИНДУСТРИЯНИНГ ҚУМ ВА ШАҒАЛ ЧИНОЗ КАРЬЕРИ

Главташкентстрой Саноат корхоналари бошқармасининг Чиноз рудасиз қурилиш материаллари комбинати; деб қайта номланди.

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

6—7 августда

Ўзбек Давлат филармониясининг

КОНЦЕРТИ

(2-бўлимдан иборат)

Концертда — **Комилжон БАРАТОВ, Исҳоқ КАТАЕВ, Ойхон ЕҚУБОВА, Назрулла ЕҚУБОВ, Мунаввар АКРАМОВА, Тамара ЭРМАТОВА, Камтар ОТАБОЕВ,** ва бошқалар қатнашадилар.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли жўр бўлади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

7 август кеч соат 7 да СССР биринчилиги учун «Пахтакор» (Тошкент) — «Арарат» (Ереван) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекиста на областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 835212. Редактор ўринбосарлари — 835885 831232. Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданиятва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050 ҳатлар ва оммавий ишлар бўлими 834048, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, эълонлар бўлими — 838142. Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

А. 1717. Индекс 64970 Р. 01990